

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ

5/2004

ТОШКЕНТ-2004

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи: Ў.Маматраимова

Матн терувчи: З.Джалилова

Кутубхоначилик дунёси: Чикариш
5:2003 /Тузувчи: Ў.Маматраимова.-Тош-
кент, 2004.- б.

Сарлавҳада: Алишер Навоий номи-
даги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

**Акинфиева О.В. Наш уголок заветный:
Цвет и свет провинции //Библиотека.-2003.-
№4.-С.42-43.**

Бизнинг муқаддас еримиз.

«Бизнинг кутубхонамизда ўлкашунослик Псков ерининг қадимги тарихи билан боғлиқ ўзига хосликка эга», деб ёзади Псков ВУИК методик-маслаҳат бўлими бошлиғи О.В.Акинфиева.

ВУИК да ўлкашунослик адабиётлари бўлими 1999 йилда справка-библиография бўлимининг сектори негизида ташкил этилган. Бўлим ўз фаолиятини истиқболли белгилаш асосида ташкил этмоқда: биринчи навбатда ўрганиш учун зарур материалларни аниқлаш мақсадида илмий ходимлар, ўлкашуносларни сўроқлайди (анкета ёрдамида). Бундан ташқари ходимларимиз олий таълим муассасалари, техникумлар, коллежлар, лицейлар, мактабларнинг барча дастурлари билан танишадилар.

Ҳозирда ўлкашуносликнинг мазмуни ва шакллари соф кутубхоначилик фаолияти доирасидан чиқиб кетади, шу сабабли бўлим ходимларига қўйилаётган талаблар юқори даражада. Биз юқори малакали кутубхоначилар ва библиографлар бўлиш билан бирган музей ёки архив ходими даражсида ўлканинг ўтмиши ва ҳозирги кунини билишимиз лозим. Кутубхона 1946 йилдан буён «Псковiana» каталогини юритади, унда 300 минг ёзув мавжуд. Унинг асосида «Ўлка тарихи», «Ўлка археологияси», «Ўлка табиати», «Пушкин» электрон маълумотлар базаси яратилмоқда. Ҳозирда ёзувларнинг умумий сони 20 мингга етган.

Мавжуд ўлкашунослик ахборотини электрон ахборот ташувчиларга ўтказиш, кейинчалик уни сақлаш ва сўнгра ундан фойдаланиш – долзарб масаладир.

Ўлкашунослик матбуот асарларининг ноёб коллекцияси катта илмий қимматга эга ва минтақа маданий ёдгорлиларидан биридир. ВУИК да ушбу мавзуда вақтли матбуотнинг тўлиқ репертуари йиғилган.

Бу фонднинг умумий ҳажми 18 минг нусха, ундан 88 фоизи китоблар, 10 фоизи – газеталар. Барча нашрлар XIX асрнинг бошидан ҳозирги кунимизгача бўлган хронологик даврни қамраб олади. Улар ичида Н.Ильинскийнинг «Историческое описание города Пскова и его древних пригородов с самого основания, заключающее в себе многие достойные любопытства древних летописцев, надписей, записок и российской истории» (Спб., 1790) асари.

Машиҳур маҳаллий ўлкашуносларнинг китоблари: А.Князевнинг «Указатель достопамятностей города Пскова» (Псков, 1858); И.Беляевнинг «История Пскова и Псковской земли» (Псков, 1867); И.Васильевнинг «Воспоминания об осаде Пскова в 1584 году» (Псков, 1881) ва «Опыт географическо-статистического словаря Псковской губернии» (Псков, 1884); Н.Окулич-Казариннинг «Спутник по древнему Пскову (любителям родной стороны)» (Псков, 1991) ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга.

Фонднинг фойдланилиш имконияти унинг сақланишига боғлиқ. Ўлкашунослик ҳужжатларининг аҳволи кониқарли эмас, шу сабабли кутубхона бу фондни микрофильмлаштириш билан шуғулланмоқда.

ВУИК – «Газеталарнинг сақланиш ва фойдаланилиш имкониятлари» миллий дастури бўйича минтақаларо консорциумининг қатнашчиси. Бу дастур

доирасида вилоят газетаси «Псковская правда» ҳам микрофильмга ўтказилмоқда.

Улуғ Ватан уруши йилларида фондимиз тўлиқ йўқотилган. Афсуски ўлкашунослик ҳужжатларга эга бўлган муассасалар урушгача бўлган даврдаги вақтли нашрлар репертуарининг етишмаганларини тўлдришга ёрдам бера олмадилар. Бу муаммони ҳал этишда РФ Президентининг «Псков вилоят универсал илмий кутубхонасида ўлкашунослик матбуот нашрларининг бутлиги ва фойдаланилишини микрография воситаси билан таъминлаш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича гранти жуда катта ёрда берди. ВУИК «Псковские губернские ведомости» газеталари 1838-1917 йилгача бўлган комплектининг микрофильмини оладиган бўлди.

Бўлим ишининг янги йўналиши – ҳокимият органларининг расмий ҳужжатлари билан ишлашдир. Бу фонд 1977 йилда буёнги Псков вилояти маъмурияти ва вилоят депутатлари йиғилишининг қарорлари ва кўрсатмаларини ўз ичига олади.

1996 йилда Псков вилоятининг «Кутубхоначилик иши ва ҳужжатларнинг бепул мажбурий нусҳаси тўғрисида» қонуни қабул қилингандан кейин маҳаллий нашриётлар билан алоқа жонланди. Қонуннинг 19 моддасида: «Псков вилоятининг шаҳари ва тумани ҳудудида рўйхатга олинган ҳар бир ҳужжат ишлаб чиқарувчи вилоят илмий кутубхонасига 2 мажбурий нусҳадан ва ўлкашунослик характеридаги нашрлардан 1 мажбурий нусҳадан - тегишли шаҳар ва туман марказий кутубхоначига етказиб беради» дейилади. Қонуннинг амалга оширилишида вилоят маъмурияти, жумладан оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқаси бўйича комитет катта ёрдам берди. Барча тегишли ташкилотларн ўз ичига олган маълумотлар банки

тузилди ва уларнинг манзилига хат юборилди. Кутубхона нашр қилувчи ва босувчи корхоналар билан бепул маҳаллий мажбурий нусха юборишга шартнома тузди.

Ҳозирда ўлкашунослик бўлими ўз нашриётчилик фаолиятини ривожлантирмоқда. 1969 йилдан «Псков вилоятининг муҳим ва унутилмас саналари календари» чиқарилади, ҳозирда у кутубхонанинг Интернет саҳифасидан ўрин олган. 1978 йилдан «Литература о Псковской области» ахборот-библиографик кўрсаткичи чиқарилади (1998 йилдан у электрон маълумотлар ба­заси кўринишида мавжуд).

Псковнинг 1100 йиллик юбилейига «Псковiana» ноширлик дастури белгиланган. Унинг комплектида кундалик ва ретроспектив илмий-ёрдამчи библиогра­фик кўлланмалар ҳам киритилган. Бунинг доирасида ҳозирда «Псковская книга» йилномасининг 3 та сони чиқди.

Ўлкашунослик бўлими қошида ташкил қилинган ўлкашунослар клубида ҳар ойда машғулот ўказилиб, унда турли юбилей саналари нишонланади. Масалан, Псков ўлкаси билимдонларининг юбилей санаси, Н.Окулич-Казарин туғилган куннинг 150 йиллиги, Ф.Ушаковнинг 150 йиллиги, Л.Товороговнинг 100 йиллиги нишонланди.

Меъморий ёдгорликлар ўлкашуносларни таш­вишлантиради. Клубнинг бир мажлисида XVI-XIX аср­лардаги фуқаро архитектураси ёдгорликларининг ҳолати тўғрисидаги масала кўрилганда меъморлар, таъмирловчилар, Псков меъморчилигини биладиган ва кадрлайдиганлар – ўлкадаги диққатга сазовор тарихий жойларнинг тақдирга бефарқ бўлмаганлар йиғилдилар. Клуб аъзолари бу йиғилишга емирилиб бораётган ёд­горликларининг кўрғазмаси гувоҳи бўлган фо-

токўргазма ташкил этдилар. РФ Президентига, Давлат думаси раисига, РФ маданият вазирига, Псков вилоят маъмурияти бошлиғига ёдгорликларнинг ёлати тўғрисида мурожаат-хат тайёрланди ва юборилди. Ҳозирча бу илтимосномалар натижаси кам: фақат Меньшиков Палаталари таъмирлана бошланди.

Клуб йиғилишларида клуб аъзолари бўлган муаллифларнинг ўлашунослик нашрлари тақдими ҳам анъанавий тарзда ўтказилади. Бўлим вилоят кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатади. Кўпгина МКТ лар ўлкашунослик бўйича махсус дастурига эга.

Ўлкашунослик фаолиятининг шакл ва методлари турли-туман: кўргазмалар, оғзаки журналлар, китобхоналар конференциялари, кечалар, муҳокамалар, савол-жавоблар, обзорлар ва Ҳ.К. Ўлкашунослик ўқишлари кенг тарқалган.

Барча кутубхоналар ўзининг кичик ватани тарихи бўйича ахборот йиғиб борадилар, кишлоқлар, туманларнинг солномасини ёзмоқдалар. Яқин вақтлар ичида кутубхона-музейлар ташкил қилинади. Бу иш МКТларнинг филиалларида «Музейхона» сифатида ташкил этила бошланган.

Краузе Н.М. «В Саамском нашем поселенье» //Библиотека.-2003.-№8.-С.39-41.

Саам шоири Аскольд Божановнинг шеърида шундай қатор учрайди. Бу қадимий ва ажойиб Ловозеро кишлоғи ҳақида. Унинг тарихи бу ернинг туб халқи – саамлар тарихи билан боғлиқ.

Қадимги манбаларда кўрсатилишича Ловозерода 16 киши яшаган... Ҳозирда бу кишлоқда 3200 киши

яшайди. Улардан 757 киши саамлар, 863 комилар, 60 ненецлардир.

Ловозеронинг диққатга сазовор жойларидан бири катта туман кутубхонаси – ҳозирги Ловозеро МКТнинг кишлоқ шоҳобчасидир, у билан кишлоқнинг барча меҳмонлари танишадилар. 1920 йилда ташкил этилган бу кутубхона 2000 йилда 80 йиллигини нишонлади.

1992 йилда бу ерда Шилаол халқлари адабиёти сектори ташкил қилинган, унда Сибирь ва Узоқ Шарқ ёзувчиларининг саам ва коми тилидаги китоблари йиғилган. Турли даврларда Ю.Ритхэу, В.Санги, П.Явтысый ва Шимолнинг бошқа ёзувчилари кутубхона меҳмони бўлганлар.

Жамиятда юз бераётган ўзгаришларни, ахборотга талабларнинг ўсишини ҳисобга олиб, ўлкашунослик ишига янги туртки беришга ва сектор негизида ахборот-маърифий марказ тузишга қарор қилдик, у Шимолнинг камсонли халқлари маданиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ёшларда ўлканинг ўтмиши ва ҳозирги кунига қизиқишини шакллантириш имконини беради. Марказ фаолиятининг «Биз – бир дунёмиз» деб номлаган режаси ва дастури ишланди, унга кутубхона учун анъанавий бўлган тадбирлар ва янги ижодий изланишлар киритилди.

Бизнинг вазифаларимиздан бири – бўлғуси буғучиларни тайёрловчи Ловозер Миллий мактаб интернати ва касбий билим юрти ўқувчиларига «Шимол халқлари миллий маданияти» курсини ўзлаштиришга, буғучилик фермалари бекаларига, суяк ва дарахтга нақш солувчи ўймакор усталарга ёрдам беришдир «Биз – бир дунёмиз» дастурининг бир қисми мактабдаги этнографликни энди ўрганаётганларнинг «Экспедиция» машғулотлар циклидир. Режага «Рус Шимоли

тадќикотчилари» саёһат-дарсини, «Аждодларимизнинг мангу санъат» шимолий фольклор соатини, «Шимолий халќлар турар-жойи» музей-дарсини, «Саамлар, коми-лар, ненецларнинг эътиқоди» ахборот-маърифий соатини, «Саам кўшиќлари кеча ва бугун» мусиќий соатни, «Шимолий халќлар ўйинлари ва ўйинчоќлари» кизиќарли билимлар соатини, «Тилсиз кўнѓироќлар ҳам соќов» обзор-дарсини киритдик. Чунки турар-жойда ўзини тутиш ќоидалари ќандайлиги ва саамлар нима учун олдин уйларини беагаан ќайин пўстлоѓидан дастурхон тўќиш санъатини амалда йўтќотганларини ћаммага ћам маълум эмаску.

Дарслар давомида болалар ахборотни мустаќил ќидириш кўникмасини оладилар, ўлкашунослик каталоги билан ишлайдилар, маърузалар тайёрлайдилар ва ћаттоки саам ёзувчиларининг унча катта бўлмаган библиографик лугатини туздилар.

Адабий-мусиќий салонимизни «Дўстлар давраси» деб бежиз атамаганмиз. Ѓаќиќатан ћам кутубхонанинг дўстлари кўп. Ѓаваскорлик жамоалари: «Лу-явьр» халќ ашула ва раќс ансамбли, «Ойяр» саам фольклор-этнографик жамоаси, «Раќсга тушаётган саамлар» Раќс театри, «Ижма» коми фольклор ансамбли, саам ёзувчиси Надежда Большакова, шоира ва саам кўшиќларининг ижрочиси Эльвира Галкина кутубхона тadbирларининг иштирокчилари ва тез-тез келиб турадиган мећмонларидир.

«Сен зарраси бўлган ернинг чаќириѓи» номли фотокўргазмаси Ловозерода анъанавий Шимол байрами ўтказилаётган кунларда очилди, унда ќишлоќ мећмонлари – Йёэсуу фин шаћридан талабалар – ќишлоќ мећмонлари ћам иштирок этдилар.

Саам маданиятининг яхши билимдони, саам алифбо китоби муааллифи Александра Андреевна Антоновадан кўп маслаҳатлар ва ёрдам олиб турамиз. Майда саам сўзи ва коми тили анъанавий нишонланади. Мурманск ёзувчилари меҳмонга келадилар, адабий учрашувлар ва ёш муаллифлар учун ижодий устахона (ижодхона)си ўтказилади.

Тарих ўқитувчиси Н.Н.Додонованинг таклифи билан бугучилар авлодлари тўғрисида материал йиға бошланган. Бу ишда архивлардан материал изланди, кексалар билан мулоқотда бўлдик. Ўнлаб папкалар йиғилди, ундан китобхонлар кенг фойдаланадилар.

Кутубхонада «Ловозерово: воқеалар, саналар» доимий кўргазмаси мавжуд бўлиб, у кишлоқнинг ўзига хос солномаси бўлиб қолган. Кишлоқ тарихи, бугучилик бўйича ноёб, нодир материаллар кўп.

«Биз – бир дунёмиз» дастури бўйича 1994 й. Ловозерода ташкил этилган Миллий маданий марказ, саам ва коми жамоатчилиқ ташкилотлари билан ўзвий ҳамкорликда иш олиб борилади.

Келгусида фото ва видеотека тузиш, китобхонлар учун қизиқарли бўлган мавзулар бўйича библиографик дайжестлар ишлаш режалаштирилган.

Нефедьева Н.Я. Лапландия на книжной полке //Библиотека.-2003.-№8.-С.42-44.

Лапландия – китоб тоқчасида.

Мурманск Давлат ВУИК ўлкашунослик ва саам адабиёти бўлими мудири Н.Я. Нефедьева машҳур эртакдаги – Һозирги Лапландия ўлкаси Һақидаги адабиётлар ва улар билан олиб борилаётган ишлар тажрибаси Һақида сўзлайди.

Ўрта аср географик харитларида Оқ денгиз ва Атлантика океани ўртасидаги катта майдон деб тасвирланган, швед, немис, инглиз тилидан лаппи халқи яшайдиган Лаппи давлати, ҳозирги замонавий тилда айтганда саамлар юрти ҳақида кўплаб асарлар яратилган. В.Немирович-Данченко «Лапландия ва лапландлар» (1877), Д.Бухоров «Лапландия бўйлаб сафар» (1885), В.Гулевич «Рус Лапландияси ва унинг ҳунармандчилиги» (1891), В.Львов «Рус Лапландияси ва рус лопарлари» (1903) ва бошқа кўплаб китоблар 1938 йилда ташкил этилган Мурманск ДВУИК йиғилган. Ўлкашунослик фонди 20 мингдан ортиқ босма, аудио-визуал материаллар, оптик дискдаги нашрлардан иборат.

Улар ичида XIX-XX аср бошларидаги ноёб китоблар кўп. Улар ичидан энг қадимийси Н.Озерецковскийнинг 1804 йил чиққан «Кола ва Астраханнинг тасвири» китобидир.

Турли экспедициялар, материаллар статистик материаллар, рус ва ҳорижий сайёҳларнинг йўл хотиралари ва очерклари нашри ҳам 1994 йилда ўлкашунослик библиографияси сектори негизида ташкил этилган ўлкашунослик ва саам адабиёти бўлимида йиғилган. Бўлимда ўлкашунослик клуби 1972 йилдан буён барча кизиқувчилар учун очик. Клубни дастлаб бошқарувчилар таркибига тарихчилар, географлар, илмий ходимлар, архивчилар, Мурманскнинг туб аҳолиси вакиллари кирганлар.

Бўлим фаолиятида йиғилган материални фойдаланувчилар учун фойдалана оладиган даражага етказди. Библиография иши муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Зарур адабиётни электрон библиографик ва тўлиқ матнли маълумотлар базасидан, карточкали каталоглар, библиографик кўлланмалардан қидирилади.

«Ўлка» МБ – электрон ўлкашунослик каталоги 1993 йилдан юритилади.

Мурманск вилояти кўп миллатли, лекин унинг туб аҳолиси – саамлар. Халқнинг анъаналари ва билимини, моддий ва маросим маданиятини асраш ва келгуси авлодга босма манбалар ёрдамидагина етказиш мумкин. Бундай манбалар Мурманск ДВУИКда йиғилган ва сақланган.

Бўлим 1998 йилдан «Берника» кутубхоначилик лойиҳасининг «Умумий саам библиографияси» кичик лойиҳасида иштирок этмоқда, унинг мақсади Норвегия, Финляндия, Швеция, Россиянинг Интернет орқали барча фойдаланиши мумкин бўлган умумий маълумотлар базасини яратишдир.

2001 йилда Мурманск ДВУИК «Саам библиографияси» Россия лойиҳасини амалга оширишга грант олди ва монографиялар, тўпламлардан, альманахла, вақтли нашрлар, дискографияларни ўз ичига олган электрон каталогни тузишга киришди. Каталог кола саамларининг эътиқоди, тарихи, маросимлари, маданияти, фольклори, адабиёти, этно-тиббиёт ҳақидаги ахборотни тез топиш имконини беради.

Ўлкани ўрганишга қизиққанларнинг барчасига ўлкашунос-библиографлар тузган «Кола ярим ороли тадқиқотчилари», «Кола ўлкаси бадий адабиётда», «Кутб соқчилари», «Мурман тарихидан» муҳим ва унутилмас саналар календарлари ва бошқа библиографик қўлланмалар самарали ёрдам беради.

1994 йилдан библиографик кўрсаткичлар тузилмоқда. Кейинчалик улар туркум номларда чиқарилмоқда. Уларнинг бир «Писатели земли Кольской», иккинчиси «Краеведы земли Кольской» деб номланган.

2000 йилда «Мурманск вилоятида ҳужжатларнинг мажбурий нусҳаси тўғрисида» ги Мурманск вилояти қонуни қабул қилинди, унга мувофиқ кутубхона маҳаллий нашрларнинг мажбурий нусҳасини олади. Унинг натижасида «Мурманская книга» йилномасини чиқаришга киришилди.

Ўлкашунослик ва саам адабиёти бўлими ўлкашунослик фаолиятини бошқариб, мувофиқлаштириб боради. Турли жамоат ташиклотлари, давлат муассасалари, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари, музейлар, архивлар билан шерикчилик муносабатларини ўрнатган, нашр этувчи ташкилотлар билан алоқани ривожлантирмоқда. Бўлимда китобрасмни кўргазмадан ташқари бадиий ва фото кўргазмалар ҳам наомйиш этилади.

Хуллас кутубхона Мурманск ўлкашунослигини ривожлантиришга ўз улушини қўшмоқда.

Беляева Е.И. Обращение к истокам
//Библиотека.-2003.-№9.-С.46-47.

Манбаларга мурожаат қилиш.

Коми республикаси ? қишлоғи Примузск МКТ директори Е.И.Беляева МКТ да олиб борилаётган ўлкашунослик фаолияти тўғрисида маълумот беради.

МКТ нинг китобхонлар билан ишлашида ўлкашунослик фаолияти етакчи ўрин эгалайди, у туфайли одамлар миллий маданиятга, адабиётга, тарихга эришадилар.

Ўлкашунослик ишида ҳужжаларни аниқлаш, йиғиш, сақлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш асосий ишдир. Бу муҳим вазифани бажарётган МКТ «Кутубхона ўлкашунослиги 2001-2002 йилларда» ижодий дастурни ишлаб чиқдилар. Унинг вазифаси – туманнинг

ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланишига ёрдам бериш, ҳамюртларда халқ анъаналари ва маданиятига, тарихига ҳурматни тарбиялаш, коми тилини сақлаб қолишга таъсир этиш, ўлкашунослик ҳужжатлари фондидан самарали фойдаланишдир.

Дастурнинг амалга жорий этилишига тадқиқот, қидирув ва ноширлик ишлари билан бирга олиб борилди. Аввал бошланган ўлкашунослик альбомлари турли ҳужжатлар билан тўлдирилди.

Аудио-видеокассеталарнинг «Бизнинг хотиралар» фонди, ноёб фото материаллар йиғилди. Бу вақт ичида МКнинг моддий-техника негизи яхшиланиб, рангли телевизор, видеомагнитофон, «Кодак» фотоаппарати, магнитофонлар, компьютер олинди, электрон почта ишлаб турибди.

Ўлкашунослик ишларининг шакллари ва усуллари хилма-хил: коми ёзувчилари, шоирлари, бошқа ажойиб кишилари билан анъанавий учрашувлар, ўйинлар, кўргазма савол-жавоблар, ахборот-соатлари ва Ҳ.к.

Туманда ҳар йили ўтказиладиган «Луза дорса гаж» («Луза қирғоғида байрам») халқ ижодий байрамини тайёрлашда кутубхоначилар амалий ижодий усталарнинг маҳсулотлари кўргазмасини, турли мавзули фотоальбомлари, маҳаллий мусаввирлар ишларининг намойишини ташкил қилишга ёрдам берадилар.

Примузск туман кутубхонасининг 100 йиллигига унинг тарихи бўйича қизиқарли материаллар йиғилди. «Примузья кутубхоначилиқ иши» библиографик кўрсаткичи нашр этирилди, «Ўтмиш саҳифаларини варақлаб», «Шахсларда кутубхона тарихи» альбомлари тайёрланди.

Турли йўналишлар бўйича «Сизнинг ҳаётингизда кутубхона ва ўқиш» сўроқ-тадқиқоти ўтказилди. Унинг натижасида кўпнига китобхонлар она (коми) тилида ўқишга қийналиши аниқланди.

Она тили ва миллий маданиятга кишиларни яқинлаштириш Прокопьевск қишлоқ кутубхонаси ишининг асосий йўналишидир. Кутубхона мудирининг Е.А.Коснирева коми тилининг гўзаллиги, ажойиблиги ва ранг-баранглигини китобхонга етказиш учун ҳамма ишларни қилмоқда. Ёшлар учун коми тилида адабий кечалар, китобхонлар конференциялари, ажойиб кишилар билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Ўлкашунослик иши туфайли кутубхоналар жонанжон ўлкани ўрганишнинг ҳақиқий марказига айланиб, бу ишга бефарқ бўлмаган кишиларни ўз атрофида жипслаштирди.

**Казина Г.Г. Читающие села
//Библиотека.-2003.-№1.-С.75-76.**

Ўқиётган қишлоқлар.

Қозоғистон Республикаси Кустанай вилоятида ҳозирда қишлоқ кутубхоналарига алоҳида аҳамият берилмоқда. Айнан улар миллий маданиятнинг фаол тарғиботчилари ва тарқатувчиларидир. Улар ишида ўлкашунослик йўналиши ривожлантирилмоқда.

Кустанай вилоятида «Менинг Ватаним» кичик қишлоқ байрами ва «Кутубхонага китоб совға қил» акцияси ўтказилди. Туб аҳоли ҳикоялари йиғилмоқда, суратлар билан «халқ архивлари» тузилмоқда, кундаликлар, альбомга жойланган хотиралар ва мавзули папкалар ташкил этилмоқда.

Кустанай туманида ҳар бир шоҳобча – кутубхона МТК эълон қилган танловда иштирок этиш учун ўз

қишлоғи ҳақида материал безатилди. Ўлкашунослик бурчаклари безатилди. Тематик досъелар қишлоқдаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари томонидан кенг талаб билан фойдаланилди. Жамбул қишлоғи округи бошлиғи (оким) «Ўз ўлкангни биласанми?» синф соатини ўтказишга буюртма берди.

Кутубхоналар фаолияти маҳаллий ҳокимият билан боғлиқдир. Шунинг учун Кустанай вилоятида кутубхоналар кўпгина қишлоқ окимлари билан иш юзасидан ижодий ҳамкорлик ўрнатганлар. Кўпгина қишлоқлар окимлари шу қишлоқдаги АЖ билан, тижорат муассасалари, фермер хўжаликлари билан биргалликда ҳомийлик қилиб, кутубхонага китоблар ва вақтли матбуот нашрлари учун маблағ ажратиб бермоқдалар.

Перхальская Н.В. Не оборвется связь времен //Библиотека.-2003.-№6.-С.76-78.

Даврлар алоқаси тўхтамайди.

Санкт-Петербург шаҳар Невск МКТ нинг №6-шоғобчаси асосан оилавий ўқиш кутубхонаси ҳисобланади. 65 мингдан ортиқроқ аҳолидан 11 мингги кутубхона хизматидан фойдаланувчи китобхонлардир. Кутубхона фаолиятининг асосий йўналиши ўлкашуносликдир.

1905 йилда Рибакское қишлоғидаги черков-... мактабида «1861 йил 19 февраль хотирасига» номи билан жамоатчилик босма каталоги нашр қилинди.

Кутубхонанинг ўлкашунослик фаолияти ХХ асрнинг 90 йиллари бошида бошланган, бу йилларда 6 та мактабда янги «Санкт-Петербург тарихи» фани киритилган, ўтмишни англашга интилиш пайдо бўлган эди. 2001 йилда тарих ва ўлкашунослик зали очилди, у ноанъанавий тарзда безатилган: унда печкаси билан рус

ёғоч уйи тикланди, яна қишлоқ аҳолисининг яшаш ва меҳнат қуроллари, экспонатлар ўрин олди.

Рибацкое қишлоғи 300 ёшга тўлган Санкт-Петербург шаҳридан бор-йўғи 13 ёш кичик экан, холос.

1715 йилги Петр I нинг фармонида кўра Нева қирғоғида Рибацкое қишлоғи пайдо бўлди, унинг аҳолиси балиқчилик билан шуғулланиши ўша фармонда белгиланган. Рус фин урушлари ва бошқаларда бутун шаҳарни боққан ва унга қуч берган, душманлардан ҳимоя қилган Рибацкое балиқчилари, деҳқонлари, ustalари, ползчилари кўп синовларни бошидан ўтказганлар. Ўтган асрнинг 80-йилларида олмазор ва сирен боғлари ўрнида кўп қаватли уйлар, янги мактаблар, метро пайдо бўлди. Бироқ ўтмишни ёддан чиқариб бўлмайди.

Рибацкое қишлоғи тарихига кенг жамоатчиликнинг қизиқиши, бу асосли эди. Қишлоқ тарихини билиш мақсадида кутубхонага келган болалар ва катталарга шаҳар архивидан материал қидириб, кўпроқ манба беришга ҳаракат қилдик, бу ишга бизнинг кўпдан буёнги китобхонларимизни, маҳаллий ўлкашуносларни жалб қилдик. Сўнгра Невск туман ва шаҳар тарихини билимдонлари танлови ва ўлкашунослик ўқишларини ўтказа бошладик.

Санкт-Петербург тарихи Давлат музейи ходими Н.Егорова 555 та ҳужжат йиғди ва музейдан уларни кутубхонага беришни ташкил этди.

1980 йилларда №348 мактаб директори Р.Иванова раҳбарлигида ёш изқуварлар ҳаракати бошланди, унинг ёрдамида йиғилган маҳаллий аҳолининг хотиралари, мусаввирлар, туб аҳоли совға қилган жонажон қишлоқ тасвири туширилган расмларни кутубхонага топширдилар.

Тозирда кутубхонанинг Рибакское тарихи ва ўлкашунослик зали архивида 1300 дан ортиқ ҳужжатлар ва 200 дан ортиқ экспонатлар мавжуд. Уларни сақлаш учун махсус картотека юритилмоқда, архивнинг инвентар китоби мавжуд.

Йиғилган материаллар айниқса болаларни ўзига жалб қилмоқда. Кўпгина юқори синф ўқувчилари – китобхонларимиз шаҳар тарихи бўйича рефератлар, талабалар эса курс ишлари ёзмоқдалар. Болалар «Рыбацкая слобода» ишчи дафтари» мавзусида иншо ёзаётгани кутубхона ходимларини қувонтиради. Кутубхона «Нева дарвозаси» ўлкашунослик музейига, завод музейларига, Невск туманининг бошқа кутубхоналарига «Славянка» газетаси таҳририятига, «Рыбацкий» маданият уйига архив ҳужжатларини етказиб беради.

2001 йилда турли муассасаларга 81 справка берилди. Тарих ва ўлкашунослик зали китобхонлари учун «Рыбацкое кутубхонаси тарихи», «Рыбацкое кишлоғи қаердан бошланади», «Рыбацкоенинг туб аҳолиси», «Рыбацкое кишлоғи буюкрус оркестри», «Рыбацкоода уруш», «№338 мактаб», «Рыбацкое ёзувчилари» мавзуларида экспозицияли кўргазмалар ташкил этилган. Бу экспозициялар бўйича 8 мавзуда саёҳат ўтказилади, уларда йилига 1500 киши иштирок этади. 2001 йилдан талаблар бўйича Рибакское бўйлаб пиёда саёҳатлар ўткази бошладик.

Тозирда музей деб аталаётган тарих ва ўлкашунослик залида катта илмий-тадқиқот иш олиб борилмоқда. Йиғилаётган энг қизиқарли материаллар маҳаллий «Славянка» газетаси саҳифаларида босилади, бошқа оммавий ахборот воситалари – «Адабий Петербург», «Петровский курьер» ва кабел телевидениясида ҳам ахборот бериб борилади. Машҳур тарихчи, радио-

журналист Виктор Кузинов «Петербург бўйлаб сайр» мавзусида кутубхона зали бўйича радиоэшиттириш ўтказди. Бу эшиттиришдан кейин бизга Петербург ва Рибакское тарихи ҳақида янада кўпроқ маълумотлар шаҳар ва кишлоқнинг туб аҳолисидан кела бошлади. Тарих ва ўлкашунослик залининг фаолияти Интернетга киритилган.

Кутубхонанинг 90 йиллигига «Рыбацкая слобода» тарихий-ўлкашунослик, адабий альманахнинг 1-сони нашр қилинди. Уни тайёрлашда кутубхонани кўллаб-қувватловчи гуруҳ (унга машҳур ёзувчилар, шоирлар, мусаввирлар, мухбирлар қиради) кутубхона ходимлари билан биргаликда фаол ишладилар.

Альманахнинг 2-сони кутубхонанинг 95-йиллик юбилейига чиқарилди, уни чиқаришда шаҳар депутати А.Ловягин маблағ билан таъминлади. Невск туманининг 85 йиллик юбилейига альманахнинг 3-сони чиқди, уларни чиқаришда маҳаллий муниципал ташкилот раҳбари Н.Федоруу ҳам маблағдан ёрдам берди.

«Рибакское» маҳаллий ҳокимият органининг ҳужжатлари ҳам 4 йилдан буён кутубхонамиз залида йиғиб борилмоқда. Бу ҳужжатлар тўплами ҳар қандай китобхонага маҳаллий ҳокимият фаолияти ҳақида маълумот бера олади. Залда бу ҳужжатлар картотекаси тузилган.

2002 йилда «Рибакское кишлоғи аҳолиси» ўлкашунослик кўлланмасининг 1-сони тайёрланди.

Йил охирига залимизда «Рибаккоенинг ижодкор кишилари» портрет галереясини ташкил этишни режалаштирганмиз.

«Кутубхона – халқ хотираси маскани» янги мақсадли дастур ишланди, унда зални музей даражасида безатиш, уни техника таъминоти ва бошқалар кўзда ту-

тилган. Лойиҳа РФ ҳукуматининг «РФ фуқароларини 2001-2005 йилларда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» давлат дастурига киритиш учун юборилган.

Тозирда ўлкашунослик ватанпарварлик тарбиясининг муҳим қисмидир. Бизга тушаётган талабномалар ва залимиз фаолияти ҳақидаги битиклар ишимизнинг нақадар зарур эканини кўрсатади.

Ва Рибациқоенинг ўтмишини ўрганиш бўйича кутубхонанинг фаолияти бойиб, кенгайиб бормоқда.

Благонравова Г.И. Воссоздаем историю села //Библиотека.-2003.-№9.-С.44-45.

Қишлоқ тарихини тиклаймиз.

Воронеж вилояти Тернов тумани МКТ нинг ахборот ва ўлкашунослик бўлими мудири Галина Ивановна Благонравова МКТда олиб борилаётган ўлкашунослик фаолияти тўғрисида ёзади.

Ўлкашунослик бўйича сўроқлар сонининг мунтазам ўсиши, ўтмиш тарихга қизиқишнинг кучайиши махсус секторни тузиш ғоясини келтириб чиқарди ва бу тузилган секторга умумий фонддан ўлкашунослик адабиётлари ажратиб олинди.

Терновка районида ўлкашунослик музейи йўқ, шунинг учун айнан кутубхонада бутун тарихий материал диққат билан ва астойдил йиғилиб, системалаштирилади. Кўп сонли альбомлар ва пакалар, деворий ва китоб кўргазмалари кутубхонада ходимлар ўлкашунос-ўқитувчилар ва ўтмишга бефарқ бўлмаган ҳамма билан олиб бораётган ишининг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Сектор очилиши билан кутубхоналар ўртасида танлов ташкил қилинди. Қишлоқлар тарихини ўрганиш – ажойиб кишилар билан учрашувлар, эшитганларни ёзиб олиш, қишлоқдошлар ҳаётидан янги фактларни

йиғиш бошланди. Натижада МТКдаги мавзули папкалар янги кишлоқларнинг пайдо бўлиши; колхоз ва совхозларнинг пайдо бўлиши; машҳур кишилар; туман Улуғ Ватан урушида; туман черковлари; туманнинг дарёлари, туманнинг кудуклари; туманнинг қадимий ёдгорликлари; «Уларни уруш чиниктирди», «Савальск ўрмончилиги», «Яхши одамлар - ер беағи» ва бошқа номлардаги бўлимлар ажратилди.

Бу материалларни китобхонлар кўп сўрайдилар, кутубхона ходимлари улардан учрашувлар, суҳбатлар, оммавий тадбирлар ўтказишда фойдаланадилар.

Тозирда кутубхона маҳаллий архив билан узвий ҳамкорлик қилади, туман чегараси бир неча марта ўзгаргани, ўтмишда у Тамбов губерниясига қарашли бўлгани учун Тамбов вилоят архиви билан ҳам ёзишмалар билан алоқа қилиб тураемиз.

МТК қошидаги «Лира» клубида «Маҳаллий шоирлар ижоди» альбоми расмийлаштирилган, ҳаваскор мусаввирлар, шоирлар билан учрашувлар, танловлар ўтказилади.

Туманнинг бошқа кутубхоналарида амалий (дарахтга нақш ўйиш, тўқиш, каштачилик, похол билан ишлаш, уй-рўзгор анжомларини тайёрлаш) санъати вақтинчалик кўргазмалари мавжуд.

МТК жамоаси Терновск ўқувчиларнинг ўлкашунослик жамияти билан алоқада «Тирик манбалар» туман конференциясини ўтказди, унда «Ўйин ва ўйингоҳ», «Халқ ва маросим қийимлари ва пойабзаллари» мавзуларидаги тадқиқот ишлари кўрсатилади.

Ҳар бир шоҳобчада «Саналар ва воқеалар картотекаси» юритилади. Буларнинг ҳаммаси кутубхонани маънавий муҳит яратувчи маданий марказга айлантиради.

Шаһар аҳолиси каби кишлоқ аҳолиси ҳам барча мавжуд ахборот ресурсларидан, шу жумладан Интернетдан ҳам фойдаланиши лозим. Маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорлик туфайли кутубхона компьютерга эга бўлди. Янги технология ўлкашунослик соҳасидаги кўпгина муаммоларни ҳал этиш: масалан, нодир ҳужжатлар (фронтдан хатлар) ни, жанговар мукофотлар, туман ҳудудида аниқланган археологик топилмаларни нуҳчаларини чиқариш имконини берди. Буларнинг барчаси ахборот маълумотлар базасида сақланмоқда, китобхон сўроғини тез бажариш, зарур ҳолда нуҳчасини олиб бериш имконини бермоқда.

Компьютер ёрдамида «Туман ҳақида нималарни ўқиш керак», «Туманнинг муҳим саналари календари», «Ҳамюртларимиз – СССР қаҳрамонлари» тавсия рўйҳатлари тузилди ва кўпайтирилди.

Вилоят маъмурияти билан «Ҳуқуқий ҳужжатлар банки» ҳуқуқий ахборот тизимини олиб фойдаланиш бўйича шартнома тузилди.

2005 йилда кутубхона 70 ёшга тўлади. Унинг тарихини ёзиш бўйича тадқиқот ишлари бошланган. Маҳаллий газета ва телевидение орқали аҳолига туман кутубхоналари тарихини ёзишга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилинди. Тозирча натижалар ёмон эмас, юбилейга қўйилган вазифалар ҳал этилади.

Ўлкашунослик иши: уни ташкил этиш масалалари

Ўлкашунослик – бу нафақат кичик ватанни билиш, балки у ўтмишдан келажакка йўл, яъни тарихий тажрибани ўрганиш, ўзлаштириш ва асраш, якуний натижаси эса – ўлка ҳаётини ўзгартириш, тадқиқ ва қайта ташкил этишда маҳаллий тадқиқотчиларнинг катта ҳиссаси ҳамдир.

«Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом» га мувофиқ ўлкашунослик фаолияти маҳаллий жойлардаги барча кутубхоналар, чунончи вилоят универсал илмий кутубхонасидан тортиб, то кишлоқ (шоҳобча) кутубхонасигача олиб боради.

Бу кутубхоналарнинг барчаси ўз функцияси доирасида ўлка ҳақидаги ҳужжатларни йиғиши, асраши, улар ҳақидаги ахборотни йиғиш ва асраш, бу ахборотни тарқатиш, уларнинг фойдаланишини таъминлашлари лозим.

Демак, туман кутубхонаси ҳам биринчи навбатда ўлка ҳақидаги ҳужжатларни йиғиши, библиографик ёритиши, сақлаши ва тарғиб қилишлари зарур.

Бу ҳужжатлар ўлкашунослик ҳужжатлари бўлиб, улар ўлка ҳаётининг у ёки бу томонини ёритган китоб, унинг бир бўлими, боби, саҳифаси, тўпламда, журналда ёки газетада босилган мақола, варақа, плакат, картографик материал – яъни, туманнинг табиий, иқтисодий, жуғрофик хариталари, босма графика асарлари бўлади. Яна турли кинофотофоно ҳужжатлар, ҳозирги янги ахборот технологиялари шароитида эса тўлиқ матнли электрон китоблар, компакт дисклар, компакт кассеталар, видеокассеталар ҳам киради.

Булардан ташқари нашр этилмаган ўлкашунослик материаллари: булар биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият органларининг расмий ҳужжатлари (қарорлари, буйруқлари, кўрсатмалари, хулосалари) бўлиши лозим. Бу материаллар, биринчидан, ҳокимият органларининг фаолиятини ёритса; иккинчидан, ўлкада ҳаётнинг у ёки бу томонини яхшилашга, ривожлантиришга ёрдам беради; учинчидан, ўлкадаги ўз кутубхонасига эга бўлмаган ўрта ва кичик бизнес корхонлари, пудрат ишлаб чиқариш идора-ташкilotлари учун

(қонун, қарорлар тўпламининг) зарур ахборот манбаи ҳисобланади.

Кутубхоналарда яна халқ оғзаки ижоди матери-аллари (шевдалар, лапарлар, хотиралар), урф-одатлар, халқнинг турмуш тарзига оид манбалар, ўлка ҳақидаги бадиий асарлар ҳам йиғилиши лозим. Булар урф-одатлар, маънавий қадриятларни ўрганишда ёшларда жонажон ўлкага муҳаббат руҳини тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир туман, шаҳар – ўлканинг ўзига хос тари-хий, дам олиш зоналари мавжуд. Ўлкани келгусида сайёҳлар учун тақдим этишда адабий-тарихий, халқ оғзаки ижоди манбалари муҳим ҳисобланади ва уларсиз иш олиб бориш мумкин эмас.

Бу ҳужжатлар йиғилиб, ўлкашунослик фонди ташкил топади. Уни китобхонга кенг тақдим ва тарғиб қилиш мақсадида уни умумий фонддан алоҳида ташкил этиб жойлаштирган маъқул.

Катта кутубхоналар (вилоят универсал илмий ку-тубхоналари)да махсус ўлкашунослик бўлинмаси (бўлими, сектори, қироатхонаси) ташкил этиш имко-нияти мавжуд ҳолларда бу фонд шу бўлинмада жой-лаштирилиши лозим.

Бу фондга XIX асрнинг 2-ярмида босилган ва бу кутубхоналар фондида ҳозиргача сақланиб қолган кўпгина ноёб ўлкашунослик ҳужжатлари асос бўлади. Улар: Миддендорфнинг 1882 йилда босилган «Очерки Ферганской долины», 1884 йилда чиққан «Фергана по запискам Султана Бабура» асари; «Дневник путеше-ствия ко двору Тимура в Самарканд 1403-1406 гг.» ва бошқалар.

Шаҳар, туман МКТларида эса бу фондни махсус кичик қироатхонасини ташкил этиш мумкин, бу имко-

ният ҳам бўлмаган ҳолда эса ўлкашунослик материаллари кутубхонанинг уйга китоб бериш бўлимида ёки кироатхонасида махсус китоб жавонларида жойлаштирилиши мумкин.

Навбатдаги иш бу йиғилган фондни ёритиш, тарғиб қилиш, мунтазам тўлдириб боришдир.

Ўлкашунослик материалларини йиғиб бориш баробарида унинг махсус каталоги, яъни ўлкашунослик картотекаси ташкил этиб борилади. Бу иш ҳар бир ҳужжатни кутубхонанинг универсал алифбо ва системали каталоги учун тасвирлашда уни яна бир карточкага, яъни ўлкашунослик картотекаси учун ҳам тасвирлаш зарур. Фақат ўлкашуносликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўлкашунослик ҳужжатларини классификациялашда универсал кутубхона-библиография классификацияси жадвали бўйича индекс белгиси қўйилмайди. Бунда ўлкашунослик ҳужжатларини классификациялаш учун махсус ишланган классификация жадвалидан фойдаланилади*. Ўлкашунослик картотекаси материаллари ҳам шу жадвал асосида индексланади.

Ўлкашунослик фонди ва картотекасининг дастлабки асосини ташкил этиб олгач, уларни мунтазам тўлдириб бориш зарур.

Фонд кундалик ва ретроспектив тўлдирилади, лекин бу режали олиб борилмайди.

Кундалик тўлдириш кутубхонага ҳар гал янги олинган адабиётлар ичидан мазмунан ўлкага бағишланган материалларни ажратиб олиш йўли билан олиб борилади. Бунда адабиёт танлашда айнан

* Қаранг: Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши: Методик /Тузувчи: Х. Маматраимова.-Т., 2003-Б.

ўлкашунослик ҳужжатларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Тозирда Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти марказида маҳаллий нашриётлар, газеталар босмаҳонлари мавжуд, улардан ташқари катор олий таълим муассасалари ва бошқа идоралар, муассасаларнинг босмаҳоналари ҳам мавжуд, яна хусусий-тижорат босмаҳоналар ҳам бор.

Маҳаллий кутубхоналар ана шу маҳаллий нашриётлар, босмаҳоналар чиқараётган, кўпчилиги мазмунан ўлкага бағишланган нашрларни имкон қадар олишга ҳаракат қилишлари лозим.

Бу ишда кутубхоналар учун маҳаллий мажбурий нусха масаласи ижобий ҳал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу билан кутубхоналар ўлкашунослик фондини тўлдиришнинг ишончли манбасига эга бўлар эдилар.

Бироқ, масаланинг бошқа томони – маҳаллий нашриётлар, босмаҳоналар чиқараётган босма маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам мазмунан ўлкага бағишланган бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолда кутубхоналар (айнан вилоят универсал илмий кутубхонаси) маҳаллий нашрлар фондини ва бу фондга каталогни ҳам ташкил этиб борадилар*. Бу билан бу кутубхоналар ўлкада матбуот архивини яратади, бу фонд бошқа бирорта муассаса, ташкилот ёки босмаҳона, ҳатто нашриётнинг ўзида ҳам йиғилмайди.

* Кутубхоналарнинг бу вазифаси «Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши тўғрисида Низом» да ҳам белгиланган.

Маҳаллий нашрлар фонди ва каталоги йиллар ўтгач, ўлкада матбуот тарихини ўрганишнинг ягона манбаи бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда маҳаллий мажбурий нуҳани кутубхона ва нашриёт ўзаро манфаатли шартнома асосида ҳам хал этишлари мумкин.

Ўтган йилларда чиққан, фондга турли сабабларга кўра олинмай қолган ўлкашунослик адабиётлари билан ўлкашунослик фондини тўлдириш катта қийинчиликларни келтириб чиқаради.

XX асрнинг 60-80 йилларида ўлкашунослик адабиётлари кўплаб нашр этилган. Республикамиз вилоятлари, йирик шаҳарлар, индустрлашган саноат шаҳарларига бағишланган справка нашрлари (справочниклар, альбомлар, йўл кўрсаткичлари), оммавий адабиётлар кўплаб чиқарилган ва улар кутубхоналар фондида мавжуд. Биринчи галда умумий фондни бирма-бир кўриб чиқиб, ундан ўлкашунослик адабиётларини ажратиб олиш лозим, бу кўп меҳнат, вақт ва катта куч талаб қилади.

Фондни ретпроспектив тўлдиришда фондга олинмаган нашрлар, материалларнинг («dezidarate») картокасани тузиб олиш, ва аниқ белгиланган режа асосида ҳужжатлар олинishi лозим.

Бунда қуйидаги йўллардан фойдаланилади:

- китобхонлар томонидан йўқотилган китоблар ўрнига ўлкашунослик адабиётларини қабул қилиш;
- кутубхоналараро китоб алмашлаш;
- китобхонлардан совғага китоб олиш;
- ўлкашунослик ҳужжатларининг ксероносуҳаларини олиш кабилар.

Яна ўлкашунослик ҳужжатларини йиғиш мақсадида ҳамма жойга (ташкilotлар, муассасалар, ку-

тубхоналарга, алоҳида шахсларга) ёзиш керак, хатларга албатта қандайдир жавоб олиш мумкин. Бу ишда маҳаллий радио, газета, телевидение эшиттиришларидан ҳам фойдаланиб, кенг халқ оmmasига мурожаат қилиш мумкин.

Фондни тўлдиришда яна аввало ўлкашунослик эҳтиёжларини ўрганиш ҳам муҳимдир. Фондни тўлдиришда тижорат, маҳаллий ҳокимият оргалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари учун зарур ахборот ҳужжатлари муҳимлигини ҳам ёдда тутиш, уларни имкон қадар олишга ҳаракат қилиш зарур.

Босма матбуот асарлари билан бир қаторда хотиралар, лапарлар, шевалар, оилавий династиялар, халқнинг турмуш тарихига оид манбаларни ҳам йиғиш мумкин. Булар урф-одатлар, маънавий қадриятларни ўрганишда, ёшларда жонажон ўлкага муҳаббат руҳини тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Ўлкашунослик СБА

Ўлкашунослик кутубхона-библиографик манбаларининг кейинги таркибий қисми ўлкашунослик СБА-дир. Унинг ёрдамида кутубхонанинг ўлкашунослик фонди таркибан ва мазмунан ёритиб берилади, истеъмолчиларга ўлкашунослик кутубхона-библиография хизмати кўрсатилади, ташкилот ва муассасалар ўлка ҳақидаги библиографик ахборот билан таъминланади.

Ўлкашунослик СБА – ўлкашунослик каталоги ва картотекаларидан, ўлкашунослик мазмунидаги справка нашрларидан, ўлкага бағишланган турли библиографик кўрсаткичлардан, бажарилган справкалар фондидан ташкил топади.

Бу аппаратнинг энг асосий ва бош бўғини ўлкашунослик каталоги (картотекаси) дир. Уна мазму-

нан ўлкага бағишланган ҳар қандай ҳужжат акс эттирилади (ўлкашунослик ҳужжатлари тўғрисида юқорида маълумот берилди). Ўлкаларга бағишланган йирик асарлар – китоблар, брошюралар кам нашр қилинганлиги; ўлкага ҳаёти маҳаллий вақтли матбуот саҳифаларида кенг ёритилганлиги сабабли бу картотекада ана шу мақолалар тўлиқ тасвирланади, яъни аналитик тасвир кенг қўлланилади. Йиғилган материалларнинг ҳаммаси «Ўлкашунсолик картотекасини тузиш учун классификация жадвали» бўйича ситемалаштирилади*.

Бу картотеканинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда яна ўзбек ва рус тилларидаги материаллар бир жойда, яъни ҳар бир бўлим, бўлимча, бўлинма ичида аввал ўзбек тилидаги, кейин рус ва ундан кейин бошқа тиллардаги (қирғиз, тожик, қозоқ ва Ҳ.к.) ўлкага оид материаллар тасвири ажраткчилар билан ажратилган ҳолда жойлаштирилади.

Истеъмолчиларнинг ўлкашунослик ахборотига бўлган эҳтиёжга тўлиқ қондириш мақсадида кейинчалик ўлкашунослик каталоги (картотекаси) кейиналик йиғма каталогга айлантирилиш имумикн, бунда шу кутубхона жойлашган шаҳардаги йирик кутубхоналар, вилоят архиви, ўлкашунослик музейи фондида мавжуд ўлкашунолик ҳужжатлари ҳам вилоят кутубхонасининг

* Қаранг: Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши: Метод.қўлл. /Тузувчи Х.Маматраимова; Муҳаррир Т.Егорова.-Т., 2003.-Б.29-40.

Ўлкашунослик каталоги (картотекаси)да акс эттирилади*.

Ўлкашунослик каталоги (картотекаси) ни йиғма ўлкашунослик каталогига айлантириш учун шу каталогнинг ўзини мукамал ташкил этиб олиш лозим.

Ўлкашунослик каталоги (картотекаси) канчалик тўлиқ ва яхши ташкил этилган бўлса, ўлкашунослик хизмати шунчалик яхши бўлади, китобхонлар сўроқлари тўлиқ бажарилади.

Кутубхоналарда «...Низом»га кўра яна ўлкашунослик йиғма алифбо каталоги кутубхонанинг имконияти доирасида тузилиши мумкин.

Кутубхоналар ўлкашунослик СБАнинг бошқа таркибий бўғинлари: ўлкашунослик адабиётларининг тавсия картотекаси, ўлкашунослик справка ва библиографик нашрлар фондини маҳаллий нашрлар каталогини, мавзули картотекаларини ташкил этиб, юрийтиб боришлари; газета мақолалари қирқимларининг тематик папкаларини йиғиб боришлари лозим.

Ўлкашунослик адабиётларининг тавсия картотекаси энг яхши ва энг янги ўлкашунослик адабиётларини тарғиб қилувчи картотека бўлиб, ўлкашунослик адабиётларини эндигина ўқий бошлаган, дастлабки маълумотларга эга бўлган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланади. У «Ўлка ҳақида нималарни ўқиш керак» деб номланади.

Ундаги ҳамма материалларга тавсия аннотацияси берилади ва бу материаллар системали тартибда жой-

* Йиғма ўлкашунослик каталогини тузиш методкаси кейинчалик кутубхоналар эътиборига ҳавола этилиши мўлжалланган ишдир.

лаштирилади, фақат системали каталог (картотека) га нисбатан рукнлар сони камроқ бўлади.

Картотека китобхон кўп келадиган бўлинма – абонемент ёки кироатхонада жойлаштирилиб, тарғиб қилинади. Кутубхоналарда яна ўлка ҳаётининг энг долзарб мавзулари бўйича мавзули картотекалар тузилиши лозим. Масалан, «Ўлка мустақиллик йилларида», «Ўлкам менинг – олтин бешигим», «Ўлкамизнинг машҳур кишилари», «Ўлкамиз тарихини ўрганамиз», «Ўлкамизнинг табаррук қадамжолари», «Маданияти гуллаган ўлка», «Полвонлари кўпдир бу юртнинг» ва Ҳ.к.

Кутубхоналарда истеъмолчиларга ўлкашунослик справка-библиографик хизмат кўрсатишда справка нашрлари ва библиографик қўлланмалар тенгсиз манбалардир.

Ўлкашунослик справка-адабиётлари ҳам кўп сонни ташкил этади, уларга энциклопедиялар, луғатлар, йўл кўрсаткичлар, фотоальбомлар, Ҳариталар, адрес ва телефон китоблари, статистик тўпламлар киради.

Бизнинг республикамизда шаҳарларимиз, вилоятлар, туманлар, қишлоқларимизга бағишланган энциклопедик нашр деярли йўқ (фақат «Тошкент» энциклопедияси бор, холос).

Шунинг учун бу фондда универсал «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» бўлиши лозим, чунки бу энциклопедиядаги 40-45 фоиз материал ўлкашунослик хусусиятига эга бўлган материаллардир. Истеъмолчиларнинг қисқа фактик сўроқларига аниқ, лўнда, қисқа жавобни шу нашрдан топиш мумкин.

Справка нашрлари – справочниклар, йўл кўрсаткичлари (туманларга, шаҳарларга, вилоятларга бағишланган справочниклар; йирик шаҳарларга оид йўл

кўрсаткичлар – «Самарқанд», «Наманганская область», «Тошкент», «Тошкент театрлари», «Тошкент музейлари», «Тошкент кўчалари», «Гўри Амир макбараси», «Ситораи мохи-хоса» ва Ҳ.К.); фотоальбомлар («Хива - минг гумбаз шаҳри», «Бухоро: очик осмон остида музей», «Термиз», «Кашкадрё», «Сурхондарё», «Тошкент», «Далварзинтепа», «Шаҳрисабз» ва Ҳ.К.) кўплаб нашр қилинган.

Улар ва бошқа шу каби нашрлар ўлка ҳаётини чуқур ўрганишга ёрдам берувчи аниқ фактлар, рақамлар, маълумотларни ёритади.

Ўлкашунослик библиографик кўлланмалари ҳам Ўлкашунослик СБА таркибида йиғилиши зарур. Ўзбекистон кутубхоналарида библиографик кўрсаткичлар, жумладан ўлкашунослик кўрсаткичлари ҳам камдан-кам Ҳолларда нашр қилинади.

XX асрнинг 60-йиллари охиридан Ҳозиргача ўтган 45 йиллар давомида республика бўйича бир нечта босилиб чиққан ўлкашунослик кўлланмалари («Что читать о Самарканде», «Что читать о Хиве», «История Самарканда и Самаркандской области», «Тошкент» – ўзбек ва рус тилларида, «Тошкент в прошлом, настоящем и будущем» ва бошқа кўрсаткичлар нашр қилинган, холос. Аксарият кўп Ҳолларда кутубхоналарда тузилган библиографик кўлланмалар кўлёзма Ҳолида қолади.

Нашр қилинган ва қилинмаган ўлкашунослик библиографик кўлланмалари бу фондда йиғилиши лозим. Улар ўлкашунослик справка ва ахборот хизматида муҳим Ҳисобланади.

Ўлкашунослик мавзусида бажарилган ёзма саправкаларнинг нусхалари ҳам сақланиши лозим.

Вилоят кутубхоналари ўлка ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олган ва ўлкашунослик ахборотига бўлган ҳар қандай талаб-эҳтиёжларни қондира оладиган ўлкашунослик қўлланмалари тизимини яратади.

Бу тизим ўлка ҳақидаги турли адабиётлар кўрсаткичлари, маҳаллий нашрлар кўрсаткичларини ўз ичига олади. Ўлка ҳақидаги кундалик ахборот бюллетенларини, ретроспектив қўлланмалар, топономик библиографик уғатлар, ўлканинг машҳур кишилари тўғрисида шахс кўрсаткичлари ва библиографик луғатларини тузишлари лозим.

Бу кутубхоналар яна турли мавзули кўрсаткичларни буюртмалар бўйича тузишлари мумкин. Бу буюртмачилар халқ маорифи бўлими, олий таълим муассасалари, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамиятлари (бўлимлари), турли жамғармалар, ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари бўлиши мумкин.

Ўлкашунослик фонди ва СБА ташкл этилиб олинган, уларни тарғиб қилиш лозим.

Ўлкашунослик адабиётларини тарғиб қилиш

Биринчи галда кутубхона китобхонлари, истеъмолчиларни ўлкашунослик ҳужжатларидан фойдаланишга ўргатиш яъни ўлкашунослик кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш керак. Бу иш кутубхонада ва ундан ташқарида олиб борилади.

Кутубхона ҳужжатлар фонди ва ўз истеъмолчилари ўртасида воситачи ҳисобланади.

Кутубхонада: плакатлар, деворий газеталар, альбомлар, оғзаки суҳбатлар, ўлкашунослик фонди ва СБАга саёҳатлар уюштириш орқали. Турли мавзули

Ўлкашунослик картотекаларини тузиш ва абонементда тарғиб қилиш мумкин.

Кутубхонадан ташқарида: маҳаллий газета, радио, телевидение (вилоят кутубхонаси) орқали кутубхонанинг ўлкашунослик фонди, СБА, олиб борадиган хизмати турлари, кутубхонадан олиш мумкин бўлган ахборот, кутубхонанинг имкониятлари ҳақида ахборотлар билан махсус тайёрланган эшиттиришлар орқали ёки ойнанинг маълум белгиланган кунда ва соатда чиқилади. Газетада мақола босилиши яхши натижа беради.

Иккинчи асосий иш ўлкашунослик ахбороти билан таъминлаш иши. Бу биринчи галда ҳокимият органлари ходимларини, ҳуқуқ тарғибот органлари, маориф тизими, саноат – хуллас ҳамма мутахассис-раҳбарларни ўлка ҳақидаги тезкор (янги ҳужжатлар тўғрисидаги) ахборот билан таъминлаш. Бу ишни «Ўлка ҳақида адабиётлар» бюллетенини чиқариш билан бажариш мумкин. Ўлкашунослик ҳужжатлари бошқа ҳеч бир библиографик манбада тўлиқ ҳисобга олинмайди, шу сабабли бу бюллетеннинг аҳамияти катта.

Ўлка ҳақидаги янги ҳужжатлар билан таништиришда адабиётлар кўргазмалари, янги адабиётлар обзорларини (оғзаки – радиода, кутубхонада, ёзма) тайёрлаш ва ўтқашзиш орқали амалга оширилади.

Ўлкашунослик сўроқлари ўлкашунослик справка-библиографик хизмати кўрсатиш йўли билан бажарилади.

Тарғибот ишининг кейинги йўллари оммавий тадбирлар орқали амалга оширилади.

Ўлкашунослик ўтмишдан келажакка йўл демакдир. Ҳар бир ўлканинг ўзига хос тарихий жойлари бор. Ўлка тарихига оид «Бизнинг меросимиз», «Ўлканинг

тарихий жойлари», «Ўлка тарихини ўрганамиз», «Ўлка хроникаси», «Инсон хотираси абадий», «Ўлканинг хўжалик ва маданий ҳаёти» каби мавзуларда адабий кечалар, хотира соатлари, тарихий жойларда саёҳатлар, теле-радио саёҳатлар, викториналар, ўлкашунослик танловлари ва Ҳ.К. ларни тайёрлаш ва ўтказиш мумкин. Келгусида ўлкага келадиган саёҳларни ўлка билан таништириш учун ҳам зарур тарихий маълумотларни ўзида ёритувчи буклетлар, ўлка ҳақида йўл кўрсаткичлар, оқритқалар комплектини ишлаш лозим. Бундай материалларни адабий ва тарихий манбаларни ўзида йиғувчи кутубхоналар архивлар ва музейлар билан ҳамкорликда тайёрлаб берадилар.

Тозирги даврда ҳар бир вилоят, шҳар, туманда қатор саноат қорхоналари, қичик ва ўрта бизнес, пудратқурилиш ишларини олиб борадиган қорхоналар мавжуд. Яна маориф, тиббиёт маиший хизмат муассасалари ҳам бор.

Уларнинг барчасига ўз фаолият доирасини қенгайтириш, ривожлантириш учун ахборот хизмати қерак. Бунинг учун қатор вилоят ва туман кутубхоналарида ҳуқуқий ахборот марказлари ташқил этилган. Бундай марказлар бўлмаган кутубхоналарда ҳам шундай марказлар ташқил этилса, уларда қуйидаги мавзулар бўйича материаллар йиғилиши мумкин.

Маҳаллий бюджет ва солиқ тизими; маҳаллий мулк, турар жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари тизимини ташқил этиш, маданий ва маиший мақдадаги хизмат доираларини ривожлантириш, аҳолини маҳсулот ва озик-овқат билан таъминлаш тизими, транспорт ва алоқанинг ривожланиши, тартибни муҳофаза қилиш ва тартиббузарларнинг олдини олиш; маданий ва тарихий анъаналарни сақлаш ва ривожлан-

тириш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш; меҳнат ресурсларини бошқариш, ижтимоий таъминот, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш.

Маҳаллий ҳокимият органлари ходимлари, кенг китобхоналар оммаси, бизнес ходимлари (юримдик ва жисмоний шахслар) учун библиографик аналитик ва ҳужжатли ахборот етказиб бериши лозим.

«Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш» мавзусида ахборот бюллетени чиқариш мумкин. Янги ахборот технологиялари шароитида эса унинг дайжестини ишлаб ҳоҳлаган китобхонга уни дискетга кўчириб бериш мумкин.

Мактаб ўқувчилари катта куч ҳисобланади. Ўлкага муҳаббат руҳини болаликдан сингдириб, тарбиялаб бориш зарур.

Мактаб кутубхоналарининг бу борадаги имкониятлари чекланганлиги, ўқитиладиган фанларда ўлкани ўрганишга етарли соатлар ажратилмагани (камлиги) ни ҳисобга олган ҳолда, туман кутубхонаси бу борада асосий ишни бажаради. Мактаблар билан ҳамкорликда турли ўлкашунослик танловлари, ўқишлар, кечалар, тарихий жойларга саёҳатлар даврида гидлик ишларини ташкил этишлари лозим.

Ўқувчиларга касб танлашда ёрдам бериш мақсадида ўлкада кенг тарқалган касб-ҳунарларни, машҳур усталар, ажойиб касб эгалари фаолиятини улар ўртасида тарғиб қилиш, бунинг учун учрашувлар; «Кули гул усталар», «Ўлкамизда иқтидорли ёшлар яшайди» мавзуларида кечалар ташкил қилиш лозим.

Мусаввирлар асарларининг намоиши, «Ўлкамиз суратларда» папкаларини йиғиш мумкин. «Ўлка матбуот кўзгусида» дайжестини яратиш ўлка тўғрисида

тўлиқ энциклопедик характердаги сайтларни яратиш зрур.

Кутубхоналар ҳозирда ўлкашунослик тадбирларини ўтказиш учун жой берадиган, ўлкашунослик фаолиятини ахборот библиографик ва услубий таъминлайдиган, кутубхонада ва ундан ташқарида ишлайдиган ташаббускорларни бирлаштирувчи марказ бўлмоғи зарур.

Айниқса ўлканинг ўтмиш тарихи, машҳур кишилари ҳақидаги ҳар қандай материалларни тўлиқ йиғиш керак.

Бироқ, кутубхоналар ўз кучи ва имконияти билан юқридаги ишларнинг ҳаммасини талаб даражасида олиб бориши қийин. Бу ишларда музейлар, архивлар, ҳокимият органлари, оммавий ахборот воситалари, мактаблар, нашриётлар ва ташаббускор-ўлкашунос (ҳаваскор) лар билан ҳамкорликда ўрнатишлари лозим. Шундагина ишнинг амалий натижаси, самараси кўзга кўринадиган, кутилмаган даражада бўлади.

Фойдланувчи – кутубхонанинг асосий шахси

Гёте институти ташаббуси билан Тошкентга Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти Кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув факультети талабалари, ўқитувчилари ва амалиётчи-кутубхоначиларга кутубхоначилик иши бўйича маъруза ўқиш учун Лейпцигдан профессор Дитмар Куммер таклиф қилинган.

2004 йил 7 апрелда Мирзо Улуғбек тумани Лев Толстой номидаги Марказий кутубхонасида шаҳар кутубхоначилари учун «Кутубхона миждозларига янада сифатли хизмат кўрсатиш» мавзусида маъруза қилди.

Профессор кутубхонанинг кутубхона ва кутубхоначилар билан ўзаро алоқаси масаласини фалсафий

нуқтаи-назардан баҳолади. АКШнинг Мичиган университети кутубхоначи иш тажрибасига асосланган ҳолда у кутубхоначилар учун шу кутубхона ишлаб чиққан қуйидаги қоидалардан иборат ўзига хос кодексни таклиф этди:

1. Фойдаланувчи – кутубхона ишидаги энг муҳим шахс.

2. Фойдаланувчи – ишга ҳалал берувчи омил эмас, балки кутубхоначи ишининг мазмуни ва мақсадидир.

3. Фойдаланувчи кутубхонага келиб бизга илтифот кўрсатмайди.

4. Фойдаланувчи – бизнинг ишимиз.

5. Фойдаланувчи статистик ҳисобот учун қандайдир бир одам эмас, ўз эҳтиёжи ва ҳис-туйғусига эга бўлган инсон.

6. Фойдаланувчи – кутубхонага ўз истаклари ва умидлари билан келадиган одам, биз эса унга бор кучимиз билан ёрдам беришимиз лозим.

7. Фойдаланувчи – кутубхона ҳаётининг эликсирини, у солиқлар тўлайди ва бизнинг маошимизни таъминлайди, усиз кутубхонани ёпиб қўйиш кераклигини эсдан чиқарманг!

Дитмар Куммер кейин умуман биз ўз кутубхонамизни биламизми деган саволга тўхтади. Одамни кутубхонага қатнашга ундовчи сабаблар болалиқдан уйғонади.

Агар у яхши болалар кутубхонасига қатнаган бўлса, у ҳолда у кейинчалик ҳам кутубхонадан фойдаланади. Одамнинг эшикни очиб кутубхонага кириб келишининг ўзи ғаройиб. Биз унинг кутубхонага бундан буён ҳам келиши учун ҳамма нарса қилишимиз керак.

Хизмат кўрсатиш сифати нима? Профессор шундай формулани таклиф қилди: «Сифат-хизмат - (минус) – китобхоннинг кутиши», яъни кутубхона китобхонга қанча хизмат таклиф қилиши билан сифат юқори бўлади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатига таъсир этувчи беш омилни, ёки сифатни ўлчаш индикаторларини ажратиш мумкин:

1. Ишончлилиқ – хизматни тўғри кўрсатиш, Ваъда бердингми – бажар! Масалан, кутубхона иш тартибига қатъий риоя қилиш зарур.

2. Хизмат кўрсатишда чуқур билимга асосланганлик.

3. Моддий таъминот (агар кутубхоналар қийин аҳволда бўлмасалар, деди у).

4. Эмпатия – китобхоннинг ҳоҳиш ва ҳис туйғуларини англаб олиш.

5. Ҳозиржавоблик – китобхонга ёрдам бериш истиаги.

Ўз маърузаси сўнгида профессор қуйидаги маслаҳатларни берди:

- Ҳар қандай хулоса китобхон манфаатига қаратилиши, унга қарши бўлмаслиги лозим.

- Кутубхонанинг бутун жамоаси хизмат кўрсатувчи ҳодимларни қўллаши лозим.

- Китобхонга таниш бўлган атамаларни янгиси билан алмаштирмаслик (масалан, чет тиллардаги). ОРЕК – электрон каталогда кенг йўл, ундан ҳамма фойдаланиши.

- Китобхонлардан улар кутубхона хизматидан мамнунми, салбий томонлари ҳақида сўраш, танқид учун ташаккур билдириш, сўнгра китобхонсиз унинг таклиф ва мулоҳазаларини ҳамкасблар билан муҳокама қилиш.

- Кутубхоначининг фойдаланувчи билан ўзаро муносабатининг асосий мақсади – ҳатоларни йўқотиш, чунки ҳатоларни тузатиш – энг қимматли жараён.

Семинар катнашчилари кутубхонада 2003 йилда Гёте институти ёрдами билан очилган немис кироатхонаси билан танишдилар. Бу кироатхонанинг очилиши билан кутубхона китобхонлари нафақат немис тилида адабиётларни турли ахборот ташувчилар (босма нашрлар, кассеталар, дискетлар, CD-ROM) да олиш имкониятига эга бўлибгина қолмай, турли техникадан ҳам фойдаланиб тинглаш, ўқиш ва нусха кўчириш имконини олдилар.

Келажакда – Интернет тармоғига уланиш. Бу кутубхона Тошкент оммавий кутубхоналари орасида китобхонга хизмат турларини ошириш ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича муҳим ишларни қилган биринчи кутубхонадир.

Тузувчи Егорова Т.С. – Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
илмий-методика бўлимининг мудир

Ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича халқаро СЕМИНАР

2004 йил 22 апрель куни Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида Германиянинг Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда «Лейпциг техника, иқтисодиёт ва Мадани-

ят институти кутубхоначилик ва ахборот фанлари ўқув режаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Тошкент Давлат Маданият институти ректори А.О.Тўраев, Гёте институти Интер Национес Тошкент Кутубхоналар бўйича мутахассиси фрау Зандер, «Турон» Тошкент вилоят кутубхонаси бўлим бошлиғи Г.М.Афанасьев, институт профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Семинарда асосий маърузани Лейпциг шаҳридаги Техника, иқтисодиёт ва маданият институти профессори доктор Д. Куммер «Лейпцигдаги Иқтисод. Техника. Маданият институти кутубхонашунослик ва ахборот йўналишига оид ўқув режаси» мавзусида қилди.

Унинг маърузасидан маълум бўлишича: бу институтда олий маълумотли мутахассислар тайёрланади. Ана шу дипломли мутахассисларни ҳозирги бозор иқтисодиётига асосланган жамият талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган даражага етказиб тайёрлаш зарур. Бунинг учун ўқитиш жараёни қайта кўриб чиқилиши лозим эди. Шу мақсадда янги ўқув режаси ишланган. Унда 4 йил ўқитиш муддати 2 йилдан 2 бўлимга киритилган. 1- бўлим 1, 2, 3 семестрларни; 2- бўлим 4, 6, 7, 8 семестрларни ўз ичига олади. Ҳар бир бўлимда ўқитилиши мўлжалланган фанларнинг умумий соати, ҳафталик ва семестр учун умумий ҳажми кўрсатилган.

5 семестр ишлаб чиқариш амалиётига мўлжалланган. 8 семестрга дарс соатлари жуда кам белгиланган, чунки бу даврда талабаларнинг диплом лойиҳалари устида ишлашлари, диплом ҳимоясига тайёрланишлари учун шароит яратилган семестр ҳисобланади.

Профессор Д.Куммер бу ўқув режани ишлашда асосланган тамойиллар, омиллар, кўзда тутилган мақсадлар ва натижалар ҳақида режадаги ҳар бир блокнинг ўзига хос томонларини таъкидлаган ҳолда, кўргазмали воситалар ёрдамида изоҳлаб берди.

Семинар сўнгида ҳар икки ўзбек ва немис томонлари мутахассислари ўртасида савол-жавоб, баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Икки давлат мутахассислари ҳамкорлигида ўтказилаётган бу учинчи семинар барча мутахассислар учун фойдали бўлган ўзига хос тажриба алмашув мактаби бўлади ва келгусида ўқув жараёнини такомиллаштиришда ўз натижасини кўрсатади, деб умид қиламиз.

Босишга рухсат этилди “ ____ ” _____ 2004 йил
Бичими ____ нашр. т. ____ нусха. Буюртма № ____

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахона-
сида чоп этилди